



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 17 май, № 100 (7058) Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЯНГИ УФҚ ВА МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 май куни илк расмий ташриф билан Вашингтонга келди.



Вашингтон, 16 май.  
ЎА махсус мухбири Абу Бакр УРОЗОВ хабар қилади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16 май куни Америка Қўшма Штатлари Президентининг расмий қароргоҳи — Оқ уйда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп кутиб олди.

Кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасида давлат раҳбарлари даражасида мулоқотлар мунтазамлик касб этмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари икки марта — май ойида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида ҳамда сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Нью-Йоркда учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқалар ва истиқболдаги режалар хусусида суҳбатлашди.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Жорий йил март ойида Президент Дональд Трамп Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳрида ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конферен-

ция арафасида мактуб йўллади.

Ўша мулоқотларда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ Президенти Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва кооперацияни фаоллаштиришга қаратилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очик ва конструктив ташқи сиёсати ҳамда фаол саяё-харакатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, айниқса, минтақавий ва халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги дол-

зарб масалалар бўйича икки давлат раҳбарларининг қараш ва ёндашувлари муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўзаро англашув, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли режаларини биргаликда қўриб чиқиш мақсадида Президент Дональд Трамп Ўзбекистон раҳбарини АҚШга расмий ташриф билан келишни таклиф қилди. Ўзбекистон Президенти томонидан мамнуният билан қабул қилинган ушбу таклиф олий даражадаги мулоқотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувида Дональд Трамп мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларни амалга

оширишда биргаликда ишлашдан мамнун эканини қайд этди.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, шунингдек, Марказий Осиёни янада тараққий эттириш ва минтақادا ҳамжихатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саяё-харакатларини қўллаб-қувватлайди, деди Дональд Трамп.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эътиром ва меҳмоннавозлик учун АҚШ Президентига миннатдорлик билдирди.

2017 йилда бўлган учрашув ва телефон мулоқотлари чоғида муҳокама этилган масалаларни бугун маромига етказиш кўп қиррали ҳамкорлигимизни жадал ривожлантиришда янги қадам бўлади, деб ўйлайман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўзбекистон ва АҚШдаги Президент сайловларидан кейин мамлакатларимиз муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Бугун қабул қилинадиган «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даври» номли Қўшма баёнот ўзи ном ва моҳияти билан кўп нарсани англатади. Томонларнинг

узок келажаққа мўлжалланган интилишларидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал асослари ўзгармасдан қолишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларини янада кенгайтириш, ҳар томонлама ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши Америка бизнесининг юртида муҳим муқаддаси фаолиятни йўлга қўйиши ҳамда АҚШнинг етакчи корпорация ва компаниялари билан инвестициявий-технологик ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чўқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, минтақادا хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш каби масалаларга устувор аҳамият қаратилган.

Президентимизнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси тўғрисида минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлақлари, савдо алоқалари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратишини яна бир бор таъкидлади. «Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққий ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевоқиф манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисноисиз барча масалалар бўйича оқилона муроаса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», деди давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи давомида бу масалага алоҳида эъти-

бор қаратилди. Минтақамиздаги ижобий ўзгаришларни Президент Дональд Трамп алоҳида эътироф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Дональд Трамп музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Вазирлик ва компаниялар, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, юқори технологиялар, савдо-саноат, ёқилги-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1998 йилдан буён энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзбекистонда америкалик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 181 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 46 таси тўлалигича ушбу мамлакат капитал асосида тузилган.

Ўзаро савдо транспорт ва транспорт коммуникациялари, фармацевтика, автомобилсозлик, энгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Ташкил этилганга йигирма йилдан ошган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси бугун иқтисодийнинг турли тармоқларида қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланди. Айни пайтда АҚШнинг «Boeing», «General Motors», «General Electric», «CNH Industrial», «Hayatt», «Hilton» ва бошқа кўплаб йирик компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Музокарада томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодий, энергетика, молия, сармоия, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқин ҳамкорлик

қилиш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва уларнинг умумий қиймати 4,8 миллиард долларни ташкил этиши қайд этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиغان Халқаро таълим бўйича Америка кенгашиларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини мамнуният билан қайд этдилар. Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак беришга тайёр эканини билдирди.

Давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки давлатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида савдо-иқтисодий, электротехника, фармацевтика, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узок муқаддаси ҳамда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларда янги уфқ ва марралар сари дадил қадам экани алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Артур Саклер галереясига ташриф буюрди. Галерея коллекцияси Осиё халқлари санъати асарларидан иборат 10 мингга яқин экспонатларни ўз ичига олган.

Президентимиз галереяда сақланган ўзбек тўқимачилик буюмлари намуналарини кўздан кечирди. Марказий Осиё бўлимидаги миниатюра ва кўлёмалар билан танишди.

Вашингтонда АҚШ ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

2018 йил 16 май куни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қабул қилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Оқ уйга илк тарихий ташрифи Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини очиб берди.

Музокаралар давомида Президент Д. Трамп Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига қатъий содиқлигини таъкидлади. Президент Д. Трамп Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда муҳим сиёсий, иқтисо-

дий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда эришилаётган улкан ютуқларни эътироф этди. Президентлар кенг жаҳадаги ўзаро устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Америка

Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияга янги-ча суръат бағишлаш мақсадида икки томонлама муносабатларни янги мулоқот асосида мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Дунё ижтимоий тармоқларининг муҳим мавзусига айланган ташриф

Мамлакатимиз ва АҚШ ўртасидаги вақт оралиғида катта тафовут бўлишига қарамай, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтондаги учрашувларини минглаб юртдошларимиз онлайн тарзда кузатиб бормоқда. Ўз навбатида, улар ушбу тарихий ташриф ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда билдириб бораётилар.

### Нигоҳ

Чунончи, давлатимиз раҳбарининг Америка пойтахтига етиб боргани ҳақидаги хабар Юртбошимизнинг "Facebook"даги расмий саҳифасида эълон қилингани заҳоти қисқа сониялар ичида юзлаб "лайк"ларни тўплади.

(Давоми 2-бетда).

### Муносабат

## ФАРОВОН КЕЛАЖАК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

«Халқ сўзи» махсус мухбири Шавкат ОРТИҚОВ Вашингтондан хабар қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи доирасида икки давлат вазирлик ва идоралари, компаниялари ҳамда ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди. Тузилган шартномаларнинг аҳамияти ҳақида мухбиримизга иштирокчилардан айримлари қуйидагиларни гапириб берди.

Кэролин ЛЭММ, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси:

— Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси жуда улкан ишларни амалга оширмоқда. Кейинги йилларда

мамлакатингизда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда кузатилаётган ижобий ўзгаришлар АҚШ ҳукумати, кенг жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этиляпти.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент Ш. Мирзиёев Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда эришилаётган прогресс орқага қайтмаслик хусусиятига эга эканини эътироф этди. У давлат органлари халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйишлари лозимлигини таъкидлади. Президент Ш. Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда очиқ ва конструктив ташқи сиёсат олиб боришни илгари суриши таъкидланди.

Президент Д. Трамп терроризмга қарши курашишда Қўшма Штатларнинг Ўзбекистон билан аزالий шериклигини қайд этиб ўтди. 2001 йил 11 сентябрдаги мудҳиш воқеалардан сўнг, Ўзбекистон АҚШга ўта муҳим логистик имкониятни тақдим этганлиги ҳамда "Ал-Қоид" террорчиларини Афғонистондан сиқиб чиқаришда кўмак кўрсатгани таъкидланди. Президент Ш. Мирзиёев ташриф давомида Президент Д. Трампнинг Жанубий Осиё бўйича стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашни тасдиқлади ҳамда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, масъулиятни тақсимлаш ва минтақавий хавфсизлик масалаларини ҳал этиш, шу жумладан, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини муҳокама этди.

Президент Д. Трамп кучли ва мустақил Марказий Осиёнинг муҳимлигини қайд этди ҳамда Президент Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрда бўлиб ўтган Самарқанд конференциясида муҳокама қилинган Марказий

Осиё мамлакатлари раҳбарларининг ҳамкорлик мулоқоти йўналишини ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қарши олди. Президент Ш. Мирзиёев жорий йилнинг март ойида Қозғонистоннинг Остона шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этганлиги ва у минтақалараро савдони ривожлантириш ва хавфсизликка оид таҳдидлар бўйича биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очиб берганлиги қайд этилди. Президент Д. Трамп ушбу муҳим мулоқотда Ўзбекистон асосий роль ўйнашини эътироф этди ҳамда Қўшма Штатлар "С5+1" минтақавий формати орқали ҳамкорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлашни билдирди. Президентлар Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги кўп томонлама ҳамкорлик форматларида иштирок этишини қўллаб-қувватладилар.

Минтақавий ҳамкорлик

Президент Д. Трамп Президент Ш. Мирзиёевни халқаро ҳамжамиятнинг "Тойлон" афғон ҳукмати билан тинч музокараларни бошлаши лозимлиги тўғрисида ягона позициясини тасдиқлагани ҳамда "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида 2018 йилдаги Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан қутлади. Президент Ш. Мирзиёев ва Президент Д. Трамп Афғонистон хавфсизлиги кучлари ва тинч аҳолисига қарши қаратилган жиркан террорчилик ҳужумларини қаттиқ қораладилар ҳамда Афғонистон дуч келаётган хавф-хатарларга барҳам бериш бўйича мулоқотни

кенгайтиришга содик эканликларини билдирдилар. Президент Ш. Мирзиёев Афғонистон ҳукмати тўлиқ сиёсий қўллаб-қувватлашини эътироф этди ҳамда 2017 йил декабрда Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифини ҳамда унинг якуни бўйича икки ҳужумат ўртасида савдо айланмасини қўлайитириш ва ўта муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан бир қатор битимлар имзоланганини муҳокама қилди. Президент Д. Трамп Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларда муҳим роль ўйнаётганини эътироф этиб, мамлакатнинг Афғонистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлади. У Ўзбекистон томонидан режалаштирилаётган Афғонистондаги темир йўл ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга сиёсий ва консултиватив кўмак кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Президент Ш. Мирзиёев Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга хисса қўшаётган Шимолий таъминот тармогини қўллаб-қувватлашда давом этишини тасдиқлади. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистон билан чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда гйёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласининг олдини олишда яқиндан ҳамкорлик қилишлари эътироф этилди.

Иккала давлат раҳбарлари экстремизм ва халқаро терроризмни қораладилар ҳамда умумий таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини қайд этдилар. Улар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган келишувларни амалга оширишга содик эканликларини билдирдилар ҳамда беш йилга

мўлжалланган илк харбий ҳамкорлик Режасини амалга татбиқ қилиш орқали мудофаа соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Ислохотлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш

Президент Д. Трамп "виждон маҳбустлари"нинг озод қилингани, болалар меҳнатидан мунтазам фойдаланишнинг тугатилгани ва мажбурий меҳнат қўламини қисқартиришда эришилган сезиларли ютуқларни қайд этган ҳолда, Президент Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатни яхшилашга қаратилган кенг ислохотлар дастурини мамнуният билан қарши олди. Ушбу ютуқлар иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиши таъкидланди. Президент Д. Трамп давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва ички барқарорликни таъминлашнинг асосий омил сифатида давлатнинг халқ олдидаги ошқоралиги ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбарлари асосий инсон эркинликларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, диний эркинликни илгари суриш бўйича конструктив ҳамкорликни фаоллаштириш тарафдоридилар. Президент Ш. Мирзиёев диний эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли "йўл харитаси"ни ҳаётга татбиқ қилишга қатъий тайёр эканлигини эътироф этди.

Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз хиссасини қўшаётган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашиларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини олқишладилар. Президент Д. Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини эътироф этди ҳамда "Америка овози"нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинганлиги ва унинг Америка оммавий ахборот воситалари учун ўшбу мамлакатда кенг имкониятлар яратишини юқори баҳолади.

Иқтисодий ҳамкорлик

Президент Ш. Мирзиёев ва Президент Д. Трамп ўзаро савдо ҳамда иш ўринларини яратишга кўмаклашадиган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини ўрганишга қатъий тайёр эканликларини таъкидладилар. Президент Ш. Мирзиёев Ўзбекистонда ошқоралик ва ҳисобдорлик халқаро стандартларини жорий қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали тадбиркорлик учун қўлай шароитлар яратиш ҳамда АҚШ компаниялари ва инвесторларига мамлакат бозорига кириш имкониятини тақдим қилишга тайёр эканлигини билдирди. Давлат раҳбарлари, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун мавжуд имкониятларни ўрганишга келишди олдилар. Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шарт-

номалар имзолангани ва улар ҳаётга тўлақонли татбиқ қилинган тақдирда, 4,8 миллиард доллар миқдорда баҳолашни ва АҚШда 10 минг иш ўринини сақлаб қолиши ҳамда келгусида бир неча миллиард доллар миқдордаги шартномалар учун имкониятлар яратиши муҳимлигини эътироф этди.

Президент Д. Трамп Президент Ш. Мирзиёевнинг ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлади ва Ўзбекистоннинг иқтисодий лидер сифатида ўсиб бораётган ролин эътироф этди ҳамда жорий йилда мамлакатда Марказий Осиё давлатлари билан АҚШ ўртасида савдо ва инвестицияларга оид ҳадли битим бўйича Кенгаши йиғилишини ўтказиш юзасидан Ўзбекистоннинг тақдими бундан далолат беришини таъкидлади. Президент Ш. Мирзиёев Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интиляётганини эътироф этди, Президент Д. Трамп Ўзбекистон ўз савдо режими ташкилот нормаларига мувофиқ либераллаштириш бўйича қўлай шартномага илохотларни амалга оширгани сайин АҚШ унга техник кўмак кўрсатишини таъкидлади. Ўзбекистон Фонарамма ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини уларнинг фонараммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенцияси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг интернет бўйича шартномаларига қўшилши орқали интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содик эканлигини билдирди. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш икки томонлама савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги имкониятларни очиб ушбу мустаҳкам асос яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

ФАРОВОН КЕЛАЖАК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис давлатнинг раҳбарининг АҚШга мазкур расмий ташрифига бу ерда алоҳида аҳамият қаратилиб, катта тайёргарлик кўрилди. Унга тарихий дея таъриф берилмоқда ва ҳақиқатан ҳам, бу ташриф тарихий воқеадир.

Икки мамлакат расмийлари, шу жумладан, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қўллаб-қувватлашга эришгани бунинг аниқ мисоли бўла олади. Хусусан, умумий қиймати 4,8 миллиард АҚШ доллари бўлган 20 дан зиёд йирик шартномалар имзоланди. Уларнинг амалий ижроси АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Русланбек ДАВЛЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазيري:

— Адлия вазирлиги ўтган йили уч-тўртта йирик юридик компания билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Мана, бугун нафақат АҚШ, балки дунё миёсиде жуда катта нубузга эга "Baker McKenzie" халқаро юридик компанияси билан келишув имзолади.

Бу орқали Ўзбекистонда ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган ислохотларда ушбу компаниянинг иштирокни таъминлаш кўзда тутилган. Яъни бизга жуда катта тажриба ҳамда малакага эга бўлган экспертларни жалб этишда айнан "Baker McKenzie" ёрдамлашади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда замонвий юридик мутахассислар, тижорат, арбитраж, халқаро

тихорий ҳуқуқ йўналишларида малакали кадрлар тайёрлашга яқиндан кўмаклашади.

Фақат битта бу компания эмас, биз Америка, Европа давлатларидаги бугунги кунда энг илгор юридик компаниялар билан ҳам келишувимизни давом эттираимиз. Малака ошириб, жаҳон тажрибасини ўрганган, юридик соҳадаги тенденцияларни билган мутахассисларнинг, албатта, юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги бевосита иштироки кучаяди.

Алишер МИРСОАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси:

— Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи доирасида қатор лойиҳалар бўйича келишувларга эришилди. Хусусан, "Уэмиллийбанк" АҚШ экспорт-импорт банки билан қиймати 100 миллион долларлик кредит шартномасини имзолади. Бу нимани назарда тутайди? Айтиш жоизки, юртимиз тадбиркорлари қайта ишлашни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича айнан АҚШ молия муассасаси кредити асосида Америкадан янги, замонавий технологиялар, асбоб-ускуналарни сотиб олишлари мумкин бўлади.

Очиғи, мазкур нуфузли банк билан анча йиллар давомида алоқаларимиз узилиб қолганди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан ушбу ҳамкорлик қайта тикланди. Бундан икки томон ҳам мамнун.

Баҳодиржон СИДИҚОВ, "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари:

— Нефть-газ соҳаси бўйича етти лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан ҳужжатлар имзоланди. Асосий мақсад АҚШнинг илгор технологияларини Ўзбекистон нефть-газ саноатига олиб киришидир.

Энг йирик лойиҳаларимиздан бири, бу — газдан метанол, метанолдан олефинлар олиш лойиҳаси бўлиб, уни "Noneuwell" компанияси билан биргаликда амалга ошираёلمиз. Лойиҳани юртимизнинг урта ҳудудиде рўёбга чиқариш имконияти мавжуд. Иқтисодий жиҳатдан инфратузилмани ўрганган, ҳамкорлар билан биргаликда уни қайси ҳудудда амалга ошириш бўйича келишиб олиб, якуний бир тўхтама келамиз.

Бундан ташқари, биз мамлакатимизда газ транспорт тизимини модернизациялаш бўйича "General Electric" корпорацияси билан ишлаяёلمиз. Шу мақсадда мазкур корпорация билан ҳамкорлик битими тузилди. "General Electric"нинг Ўзбекистонда сервис марказларини очиш кўзда тутилган.

Имзолаган асосий лойиҳаларимиздан яна бири, бу — Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи қисман модернизация қилиб, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш саналади. Буни "Ехон Мобил" компанияси билан биргаликда амалга ошираёلمиз. Биласиз, ушбу компания мой ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Мақсад истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборат.

Қисқаси, жуда кўп истиқболли лойиҳалар бор. Уларни амалга ошириш юртимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дан ПЕТЕРСОН, "SilverLeaf International" компанияси президенти:

— Биз Ўзбекистоннинг "BMB Trade Group" компанияси билан 2019 йилда Жиззах вилоятининг Арнасой ҳамда Мирзачўл, 2020 йилда Пахтакор ва Дўстлик туманларида агрокластер ташкил этиш бўйича келишувга эришдик. Шартноманинг умумий қиймати 350 миллион доллар тенг. Яъни бу ерда пахта ни етиштиришдан тортиб, то унинг асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишгача бўлган барча тизимни қамраб олиш кўзда тутилган. Кластерлар доирасида жами 30 мингга яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

2020 йилдан лойиҳа дастлабки меъясини беришни бошлайди ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, жумладан, жинси, чойшаблар ишлаб чиқарилиб, ташқи бозорга сотилади.

Айтиш жоизки, биз мазкур келишувдан олдин Ўзбекистон вакиллари билан тўрт ойдан ортиқ вақт мобайнида музокаралар олиб бордик. Аввало, мамлакатингизда яратилган қўлай инвестициявий муҳитни, лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган ҳудудларнинг ер шариити, сув таъминотини ўргандик. Имкониятлар билан танишдик. Хар томонлама маъмул келгандан кейин биргаликда ишлашга келишдик. Уйлаймизки, бу ҳамкорлик юксак натижалар беради.

Дунё ижтимоий тармоқларининг муҳим мавзусига айланган ташриф

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқароларимиз учрашувлар самарали, қўйилган натижаларини беришини ният қилиб, шу йўлда амалга оширилаётган энг саъй-ҳаракатларга катта муваффақиятлар тилашган. Океанортида истиқомат қилаётган юртношларимиз ҳам Президентимизга "Хуш келибсиз!" деган мазмундаги эзгу тилларини билдиришган.

Осло шаҳри (Норвегия)да Нобель тинчлик марказида ишлайдиган тошкентлик Отабек Тошевнинг ёзишича, ҳамма давлат раҳбарлари ҳам Оқ уй, АҚШ Конгресси, Давлат департаменти, Мудофаа вазирлиги ҳамда етакчи халқаро молия муассасаларидан бири — Жаҳон банкига тақлиф қилинавермайдилар. Аммо Президент Шавкат Мирзиёевга юксак даражада ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилишининг сабаблари бор. Биринчи навбатда, Ўзбекистон етакчиси мамлакатда очилки сиёсатини юритиб, республикада катта ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этаётгани ҳамда бу ислохотлар Америка Қўшма Штатлари жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотапти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳоли сони кўп ва бой табиий ресурсларга эга давлат. Унинг Афғонистон билан чегарadosлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, дейди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси.

Ижтимоий тармоқларда Юртношнинг Вашингтондаги "Эндрюс" аэропортида АҚШ расмий вакиллари томонидан қўйиб олиниши билан боғлиқ видеоролик ҳам кўпга қизиқишларга

сабаб бўляпти. Президент Матбуот хизмати томонидан тайёрланган мазкур лавҳани бир соатга яқин вақт мобайнида икки мингга яқин кишилар томоша қилиб улгурди. 16 май санасида кун ботишига қадар видеороликни "Facebook" тармоғи орқали курашган сони 30 минг нафардан ошиб кетди.


Уларнинг барчаси ўзининг қувончи, ҳаяжонини яққол ифодалагани эътиборга моликдир. "Баракалла, америкаликлар! Президентимиз ҳамда унинг турмуш ўртоғини Ўзбек тилида табриклашди. Буни эшитишни билан кўзимдан қувонч ёшлари чиқиб кетди", дейди фойдаланувчи Дилфуза Раҳимова.

"Халқимизнинг турмуш шариитини яхшилаш йўлида амалга ошираётган барча саъй-ҳаракатингиз учун ташаккур. Биз сизга ишонамиз! Ҳақини, мустақил Ўзбекистон!", дея ёздаи Азиз Муртазоев. Ижтимоий тармоқнинг яна бир аъзоси Соҳида Нозимова дўз шарҳида шундай дейди: "Ўзбекистон дунё учун очилмоқда. Бу жуда ажойиб!". Муқаддас Нейматуллаева эса "Мен Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан жуда фахрланаман!" деб ёзган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ижтимоий тармоқларда Президентимизнинг АҚШга расмий ташрифига доир муносабатлар #UzbUSA2018 эътироф орқали ҳам билдирилмоқда. Хоҳловчилар ушбу эътироф орқали ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирсалар, уларни бутун дунё кенг кузатиш имконияти туғилади.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Парламент ҳаёти



Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрь кун Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар бошлангани, мазкур йўналишдаги ислохотларни давом эттириш, одамлардан келаётган мурожаатлар, халқ билан бевосита учрашув ва мулоқот жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сурови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиш, Олий суд ҳамда Судьялар олий кенгаши билан бирга муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Олий Мажлис суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашади

Жорий йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашининг қўшма қарори билан Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия тузилди ва унинг низоми тасдиқланди. Комиссия депутатлар ҳамда сенаторлардан иборат таркибда шакллантирилди.

Таъкидлаш керакки, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторинг олиб бориш, мавжуд муаммоларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, одил судловни амалга ошириш ҳамда суд ҳокимияти ва судьялар мустақил-

лигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ушбу Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Кеча мазкур Комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу тузилма зиммасидаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, судлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принциплари ривож этилишини тўла таъминлаш юзасидан қабул қилинаётган чора-тад-

бирлар ижроси бўйича ҳақиқий ҳолатни жойларда ўрганиш ҳамда одил судловга таъсир ўтказадиган омилларни аниқлашга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Комиссиянинг жорий йил учун мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. — Йиғилишда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Комиссия аъзоси Мухтабар Хусанова. — Дарҳақиқат, парламент суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда четда турмаслиги керак. Кейинги пайтда амалга оширилган изчил ислохотлар, қонунчиликка киритил-

ган ўзгаришлар туфайли судлар фаолиятида муҳим янгиланишлар рўй берди. Эндиликда судлар фақат ишларни кўриш билан чекланмасдан, аҳоли билан учрашмоқда, суд жараёнлари жойларда сайёр суд мажлисларида қўйилапти. Суд раислари ўзлар депутатлари Кенгашига ахборотлар тақдим этиб бораёпти. Қисқача айтганда, судларнинг иши ўзгарди, халқ билан алоқалари яхшиланди. Шунга қарамай, одил судловни амалга оширишга судьялар мустақиллигини таъминлаш ҳамон долзарб бўлиб турибди. Шу маънода, Комиссия томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аъзолар ўртасида тақсимлангани ва ишчи

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Такдимот

Юқори сифатли курилишбоп маҳсулот

“Кнауф гипс Бухоро” корхонасида модернизацияланган линия ишга туширилди.

“Кнауф гипс Бухоро” хорижий корхонасида юқори сифатли гипскаридан ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий линиянинг ишга туширилиши муносабати билан маросим бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро алоқалар барқарор ривожланмоқда. Германия айтиш пайтда Ўзбекистоннинг Европа иттифоқидаги энг йирик ҳамда муҳим ҳамкори саналади. Бундан ташқари, “Кнауф” халқаро гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти мисолида ҳам айтиш мумкин. Дунё курилиш-пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчилари еттакчилардан бири “Кнауф” халқаро гуруҳи компанияси 1999 йилда юртимизда ўз ваколатонасини очган эди. Орадан ўн йил ўтган эса у Ўзбекистонда куруқ курилиш аралашмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонани ишга туширди. Умуман, компания мамлакатимизда куруқ курилиш ва модификацияланган курилиш аралашмалари бозорининг шаклланишига сезиларли хисса қўшди. Эндиликда бу хамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Модернизацияланган линиянинг фойдаланишга топширилиши фикримиз тасдиқидир. Таъкидланганидек, корхонада гипскардон қопламаларини ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда кенгайтириш лойиҳаси икки йил давомида амалга оширилди. Бунинг учун 16 миллион евродан зиёд сармоя киритилди. Натижанда корхона қуввати 30 фоиз ортди. Бу эса

корхонада йилга 30 миллион квадрат метрдан зиёд қопламалар тайёрлаш имконияти яратилди, деганидир. — Илғор технологияларнинг ҳаётга дадил татбиқи қилиниши маҳсулот рақобатдошлигини таъминлайди, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширади, — дейди тадбир қатнашчиси, “Кнауф” халқаро гуруҳи раҳбарларидан бири, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси Манфред Грудке. — Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон кейинги йилларда немис компаниялари учун тобора катта аҳамият касб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида барча жаҳада олиб борилаётган ислохотлар туфайли энг кадрларидан самарали фойдаланишга эътибор қўйилди. Компаниямиз профессионал кадрлар тайёрлаш борасида ҳам Ўзбекистон билан яқин хамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, жойларда ўқув ва маслаҳат марказларимиз фаолият кўрсатиб турибди. Тадбирда, шунингдек, “Кнауф” халқаро гуруҳи Ўзбекистонда куруқ курилиш аралашмаларини ишлаб чиқариш қувватларини икки баробар оширишга қаратилган лойиҳа ижросига киришгани ҳам маълум қилинди. Бу замонавий линия “Кнауф гипс Бухоро” хорижий корхонаси ҳудудида барпо қилинади. Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Арипов сўзга чиқди. **Истам ИБРОҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

Ободлик


Унутилмас воқеаларга бой лойиҳа

Боёвут туманида “Обод кўнгил” тарғибот лойиҳаси ташкил этилди.

- Боёвут туманида 10 та китоб дўкони, шунча газета ҳамда журналлар тарқатишга мўлжалланган шохобча курилади. Маҳаллаларда “Work out” спорт майдончаси ташкил қилинади. “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Тезкор педагогик хизмат” канали очилди. Китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида “Библиобус” кўчма кутубхона акцияси уюштирилди. Аҳолига 13 мингдан ортик адабиётлар, газета ва журналлар тарқатилди.

Гап шундаки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган мазкур лойиҳа доирасида қатор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, маданият ҳамда санъат арбоблари, шоир уёвучилар, оммавий ахборот воситалари вакилларида иборат тарғибот гуруҳлари тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинида уйма-уй юриб, ўрганишлар олиб бориши, аҳоли ва ёшлар маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларида қатнашди. Бундан қўланган мақсад фуқаролар, айниқса, ёшлар билан учрашиб, уларнинг бугунги ислохотлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларини хал қилишда кўмаклашиш, эзгу гоя ҳамда ташаббуслари билан яқиндан танишиш, айниқса, яшаш шaroитларини яхшилаш, маданиятини янада юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Ўрганишлар давомида аниқланган масалаларни жойида бартараф этиш чоралари

қўрилди, таклифлар эса умумлаштирилди. — Аҳоли ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида “Библиобус” кўчма кутубхона акцияси уюштирилиб, энг чека қишлоқларда кўчма китоб савдолари ҳам ўтказилди, — дейди Республика “Кинофонди” давлат унитар корхонаси директори, тарғибот гуруҳи аъзоси Маъмуржон Мухаммадсаидов. — Шунингдек, аҳолини китобхонлик ва сиёсий жараёнлардан, ислохотлардан хабардор этиш бўйича 7800 дан ортик бадий адабиётлар, 2 минг нусхада “Халқ сўзи” ҳамда “Народное слово”, “Ёшлар овози” газеталари, 2500 нусхада “Кексалик гашти”, “Ёшлик”, “Ёш куч” сингари журналлар бепул тарқатилди. Албатта, бу ишлар фуқароларимизнинг маданиятини, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. Бундан ташқари, тарғибот гуруҳи аъзолари ва хомийлар ташаббуси билан 10 та китоб дўкони, газета ҳамда журналлар тарқатишга мўлжалланган шунча шохобча



қурилса, 7 та касб-хунар коллежида кинотеатр барпо этилади дегу бўлди. Ёшларни спортга жалб қилиш муҳим масалалардан биридир. Бу ҳам лойиҳа иштирокчиларининг эътиборида бўлди. Тарғибот доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан барча маҳаллада “Work out” спорт майдончасини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. — Бундан жуда хурсанд бўлдик, — дейди Мирзиёев маҳалласи ёшларидан бири Обид Зулфқоров.

— Энди спорт билан мунтазам шуғулланамиз. Таъкидлаш керакки, маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларида аҳоли ва ёшлар билан очик мулоқотлар, маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, спектакль ҳамда концерт дастурлари ташкил этилди. Уюштирилган хашарлар эса нафақат кўнгилларни обод айлади, балки ҳудуд қиёфасини янада кўркем қилди. Тарғибот гуруҳлари аъзолари билан оддий халқ орасида, хонадонма-хонадон юрарканмиз, аҳолининг бугунги ислохотлардан рози эканлиги, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганига гувоҳ бўлдик. — Биздан ҳол-аҳвол сўраб келишганидан жуда хурсандман, — дейди “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нозима Битўраева. — Менга тикув машинаси беришди. Бу қутилмаган тўхта бўлди. Энди тикувчилик билан шуғулланиб, қўшимча даромад топиш имкониятига эгаман. Келгусида ёшларни ёнимга олиб, уларга тикувчилик сирларини ўргатаман. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган хайрли ташаббуслар бир талай. Томорқа маданиятини ошириш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш шулар сирасига қиради. Шунинг учун ҳам учрашувларда томорқани бўш қолдирмаслик бўйича зарур тавсиялар берилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга эса моддий ва маънавий кўмак кўрсатилиб, ногиронлик аравачалари, кўлтиктаёқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бугун туман аҳолиси интернетдан қандай фойдаланаяпти? Уларнинг бу борадаги маданияти қай даражада? Ушбу саволлар ҳам ўрганишлар жараёнида қўриб чиқилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида интернетдан тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар ҳамда тушунтиришлар берилди. Тиббий маданиятни ошириш юзасидан эса малакали шифокорлар, ҳамширалар жалб этилган ҳолда, 1100 дан ортик хонадонларда “Соғлом турмуш тарзи” бўйича тарғибот ишлари олиб борилди. Қолаверса, ота-оналар, педагог-ҳодимларга тезкор маълумотлар бериб бориш, ахборот алмашишни йўлга қўйиш мақсадида “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Тезкор педагогик хизмат” канали очилди. “Обод кўнгил” тарғибот лойиҳаси давомида бир қатор кўрик-танловлар ҳам ўтказилдики, бу аҳолининг турмуш даражасини оширишда кўл келади. Хусусан, “Энг меҳрибон кўшнлар кўчаси”, “Энг саришта кўча”, “Энг орта ҳовли”, “Гулга бурканган кўча”, “Энг намунали хонадон”, “Томорқалари обод маҳалла” танловлари ўтказилиб, голиблар аниқланди. Тарғибот ишлари якунида “Ёшлар — Ўзбекистон келажаги” шиори остида ёшлар сайли ўтказилди. Унда республика тарғибот гуруҳи таркибидagi санъаткорлар, шоир уёвучилар, маданият ходимлари иштирокида гала-концерт ташкил этилиб, турли номинациялар бўйича ўтказилган танловлар голиблари тақдирланди. Якунда туманда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Боёвутни намунали туманга айлантириш борасидаги “Обод кўнгил” тарғибот лойиҳаси ҳудуд аҳолиси ҳаётида ана шундай унутилмас воқеаларга бой бўлди. **Раҳим ШЕРҚУЛОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

Спорт

Ёшларимиз — Жаҳон чемпиони!

Москва шахрида футбол бўйича Меҳрибонлик уйларидаги 14 — 17 ёшдаги тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати якунига етди. Қувонарлиси, унда Ўзбекистон терма жамоаси голибликни қўлга киритди.



Ёшларимиз финалгача Покистон (0:0, гуруҳ), Россия (2:0, гуруҳ), Непал (2:1, чорак финал), Бурунди (1:0, яримфинал) терма жамоалари билан куч синაшиб, ҳал қилувчи баҳсга қадар мағлубиятсиз етиб келишди. Финал учрашувида ўзбекистонлик ёшлар Покистон терма жамоаси вакиллари билан яна бир бор рубаруб келди. Уйнинг асосий вақти 1:1 ҳисоби билан якунига етгач, учрашу пенальтилар сериясига қадар борди. Якунда футболчиларимиз рақибларидан кўра омадлороқ бўлиб чиқиди. Ўзбекистон терма жамоасининг сўнгги зарбасини дарвозабон Сергеё Исломов аниқ йўллади. Кейин эса ўзи рақибнинг тепган

тўпини қайтариб, учрашув қаҳрамонига айланди. Қайд этиш керак, Покистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида амалдаги голиб сифатида келганди. Энди эса мундиал тахтига Ўзбекистонлик футболчилар қиқиди. Чемпионларимиз Тошкентга 18 май куни қайтиб келиши кутилмоқда. **О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Анжуман

Судьялар қасамёд қабул қилишди

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда, Судьялар олий кенгашининг қарорига мувофиқ, биринчи маротаба лавозимга тайинланган жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар судьялари қасамёд қабул қилдилар.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламдаги ислохотлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Судьялар олий кенгашининг жорий йил 8 майдаги қарори билан илк бор беш йил муддатга судьялик лавозимига тайинланган 19 нафар судьянинг қасамёд қабул қилиши ушбу сазй-ҳаракатларнинг узвий қисmidир. — Судьялик қасамёди маросими биз учун бир умр ёдда қоладиган воқеа бўлди, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди судьяси Дилфуза Дадажонова. — Зеро, бу орқали биз зиммамиздаги вазифаларни халол ҳамда виждонан бажаришни, одил судловни фидо қилушни ва беғараз, холис ҳамда адолатли бўлишни ифода этдик. Албатта, иш фаолиятимиз давомида ана шу қасамёдимизга амал қилиб, одил судловни юзага чиқарамиз, соҳага жорий этилаётган ахборот-коммуникация технологияларидан унутили фойдаланиб, одамлар мушқулини осон қилишга бор кўч-ғайратимизни сарфлаймиз. Мажлис иштирокчилари қасам-

ёд қабул қилган судьялар, уларнинг оила аъзолари ҳамда яқинларини мазкур муҳим воқеа билан табриқлар экан, ҳар бир судьянинг бундай юксак ишонччи тўла оқлашига, катта фидойилик ва ҳалоллик билан иш қўришига, қонуний ҳамда адолатли қарорлар қабул қилиб, Ватанимиз раванкига муносиб хисса қўшишига ишонч билдиришди. Қасамёд қабул қилган судьялар гувоҳномалар ҳамда “Судьялар одоб-ахлоқи қондалари” китоби топширилди. **З. ХОЛТЎРАЕВ.**

Шукрона

Эзгуликка чорловчи улугвор кунлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 11 майда имзоланган “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат ҳамда аҳиллик каби улугвор муносабатларнинг янада барқ уриб, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик ва бағрикенглик сингари олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлашга мустаҳкам замин яратади.

Бугун юртимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳада катта ютуқ ҳамда марраларни қўлга киритаётгани, албатта, Парвардигорнинг бизга кўрсатаётган кесиз марҳаматидир. Бинобарин, Ўзбекистонимизда халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимиз турмуш даражаси, фаровонлиги тобора ортиб бормоқда.

Айтиш жоизки, мазкур ой давомида ташкил қилинадиган турли маросимларни камтарона, кўтаринки шоду хуррамлик ила ўтказиш ҳар биримизнинг сазй-ҳаракатларимиз ва эзгу ниятларимизга заҳомангидир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда, Рамазон ойини жойларда, миллий анъана ҳамда қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгилангани айти мундоо бўлди. Айниқса, Рамазон ойининг мазмун-моҳиятини муҳассас бўлган инсонийлик, шукронлик фазилатларини, муқаддас динимиз арқонларини эъозлаш, тинч ҳамда осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яқинлиқ қилишга даъват этадиган савобли амаллар ва тарғибот ишлари уюштирилиши аҳоли, хусусан, ёшларимиз учун муҳим саналади. Зеро, эл-юртимиз учун азалдан меҳр-шафқат, ҳамжихатлик рамзи бўлиб келган муаззам айёмнинг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги ўрни ниҳоятда беқиёс.

Қарорда таъкидланганидек, ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ҳамда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини, қабрстонларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирлар дилларда эзгулик туйғусини жўш урдирди, шубҳасиз. Шундай экан, дуо қиламизки, Аллоҳ таоло юртимиз тинчлигини, халқимиз фаровонлигини янада зиёда айласин. **Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

Халқаро ярмарка

Нефть-газ, энергетика тармоғи ва истиқбол

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўرғазмалар мажмуида “Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2018” ҳамда “Энергетика, энергия тежамкорлиги, энергиянинг муқобил манбалари — Power Uzbekistan — 2018” халқаро кўрғазмалари очилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шафелиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекнефтегаз” ҳамда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятлари, Савдо-саноат палатаси, “Itesa Exhibitions” халқаро кўрғазмалар компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирларда Ўзбекистон, Япония, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Австрия, Швейцария, Россия, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон каби давлатлар компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда. Қайд этилганидек, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли форумлар жаҳоннинг нефть-газ ҳамда энергетика тармоғи пешқадамлари эътиборини

ўзига жалб қилапти. Қолаверса, ёниги-энергетика соҳасига янги технологияларни татбиқ этиш, инвестициялар киритиш, ҳамкорликда фаолият юритиш масалаларини хал қилишда катта бизнес майдонини вазифасини ўтапти. Ушбу йирик кўрғазмаларнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда иқтисодийнинг барча соҳаси, хусусан, нефть-газ, энергетика тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш учун шарт-шaroит яратиб берилапти. Бундай қулай муҳит эса чет эллик ишбилармонларнинг Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлашга бўлган қизиқшини тобора оширапти.

OGU кўрғазмасининг ихтисослаштирилган бўлимлари тармоқ учун долзарб бўлган йўналишларни намойиш этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Кўрғазма экспозицияси “Атриум” залида нефть ва газ конларини излаш, уларни қайта ишлаш, нефть кимёси, қувур ҳамда ўтказгичларни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар намойиш қилинмоқда. — Ўзбекистон нефть-газ

саноати салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бораёпти, — дейди Россиянинг “Tatneft” компанияси вакили Руслан Усманов. — Бундан мамлакатимизга газ, полиэтилен ҳамда қайта ишланган нефть маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланганидан ҳам билиш мумкин. Компаниямиз нефтни қазиб олишдан тортиб, ундан турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган жараёни амалга оширади.

Кўрғазмада ўзбекистонлик шериклар билан манфаатли келишуларга эришдик. “Энергетика, энергия тежамкорлиги, энергиянинг муқобил манбалари — Power Uzbekistan — 2018” кўрғазмаси ҳам кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш учун зарур мулоқот майдонини яратиб берди. Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад электр энергетикаси соҳасида фойдаланишга

мўлжалланган илмий ишланмалар, саноат ускуналарини, энг сўнгги илғор технологик лойиҳаларни намойиш этиш, тажриба алмашиш, корхоналар, ташкилотлар, фирма ва компаниялар ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда шу орқали мамлакатимиз энергетика соҳасини тараққий топтиришдан иборатдир. Кўрғазмалар доирасида “Жаҳон иқтисодийга интеграциялашу — Ўзбекистон нефть-газ тармоғи ривожидagi янги йўналиш” мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда нефть-газ саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, илғор технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага инвестиция киритиш, углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг тақомиллаштириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Ўзбекистон ҳудудида янги конларни аниқлаш, ишга тушириш, гази қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Кўрғазмаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Отажонов сўзга чиқди. **Р. ОТАМУРОВОВ, Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хусусий ҳамда давлат корхоналари раҳбарлари диққатига!

### Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

2018 йилда куйидагиларни сотиб олиш тўғрисида танлов (тендер) савдоларини эълон қилади:

- хизмат отлари;
- эгар шатакчилар (седельных тягачей);
- отларни олиб юриш учун яримтиркама;
- қишлоқ хўжалиги техникалари;
- хизмат отлари учун эгар ва анжомлар.

Ҳар бир товар харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилади. Етказиб бериш шартлари — Тошкент шаҳридаги омборгача, хорижий етказиб берувчилар учун — СІР Тошкент ш. (Инкотермс — 2010)

Тўлов шартлари — 15 фоиз олдиндан, қолган 85 фоизи товар етказилишига асосан амалга оширилади.

Етказиб бериш муддати — 2018 йил 31 декабргача босқичма-босқич амалга оширилади.

Тижорат таклифлари ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100029, Шароф Рашидов кўчаси, 23-уй (ЎзР МГ харид қилиш бўлими). Электрон манзил: ng.umto@mail.ru. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 236-50-87, 236-50-48, 236-50-49.

Тижорат таклифларида тўлов тури, етказиб бериш шартлари (ташкilotнинг юридик манзили, зарурий қисмлар, мурожаат учун телефонлар) ҳамда тижорат таклифининг амал қилиш муддати кўрсатиб ўтилиши зарур.

#### ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

**«СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БУЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ФОНДИ**

болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлашга доир Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Лот №1.

Туғма фенилкетонурия ташхисли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиги.

Мазкур лойиҳа доирасида тендерда эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида иштирок этишга таклиф қилинади.

Тендерда қатнашиш учун талабгорлар имзоланган аризани «Соглом авлод учун» халқаро хайрия фондига топширганларидан кейин куйида кўрсатилган манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олишлари мумкин.

Тендер ўтказилишига доир саволлар билан куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

«Соглом авлод учун» ҳукуматга қарашли булмаган халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Тел./факс: (0-371) 233-15-47. E-mail: fonsdau@yahoo.com

Тендер таклифларини тақдим этиш муддати — 2018 йил 11 июнь куни Тошкент вақти билан соат 18.00.

#### Республика олимпия захиралари теннис мактаби (РОЗТМ)

2007-2008 йилларда туғилган, умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфини битирган, теннис бўйича тайёрлов гуруҳида камидан 3 йил шуғулланган, шунингдек, 2006-2007 йилларда туғилган, 5-синфини битирган, республика чемпионатлари ғолиби ва совриндори бўлган ҳамда Ўзбекистон теннис федерацияси рейтингига эга ўғил ва қизлар

қабулини эълон қилади.

Ҳужжатлар 2018 йил 1 июлдан 30 июлгача куйидаги манзилда қабул қилинади: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, РОЗТМ.

Танлов-тест синовлари 2018 йил 5 августдан бошланади.

Тўлиқ маълумотни вилоятлар теннис федерациялари ҳамда вилоятлар жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари, шунингдек, куйидаги сайтдан олиш мумкин:

www.tennis.uz

Тошкент шаҳридаги телефон: (0-371) 263-74-96.

#### «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
232-10-63.

E-mail: reklama@xs.uz

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

#### «RESPUBLICA MILK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўлказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Тошшаҳарнур» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумарик кўчаси, 3-уйда сақланаётган 11 метр ўлчамдаги, 33 дона А-3 электр устунлар (сим-ёғочлар, ишлатилган) такроран қўйилмоқда.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 1 381 727 сўм.

Жами бошланғич баҳоси — 45 596 991 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 31 май куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 29 май куни соат 18.00.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 31 май куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2018 йил 7, 14, 21, 28 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги

муддати — 2018 йил 7 июндаги савдо учун 2018 йил 5 июнь, 14 июндаги савдо учун 12 июнь, 21 июндаги савдо учун 19 июнь, 28 июндаги савдо учун 26 июнь кунлари соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкilotчиси билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Respublika milk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

#### ХИТОЙДАН СИФАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ОМБОРХОНА ТЕХНИКАСИ



Компания ўз техникасини 1956 йилдан бундан ишлаб чиқаради. Тошкентдаги омборхонадан

«GST OIL» — Ўзбекистондаги расмий дистрибьютор

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод т., Иссиқ сув к., 118. Телефонлар: (0-371) 269-29-61, 269-29-62, (+99890) 356-47-67. E-mail: dilmurod\_gst@yahoo.com Веб-саҳифа: www.hyundai-gst.uz Махсулот сертификатланган.

#### ИПОТЕКА BANK

### S&P Global Ratings

2018 йил 8 майда

### «S&P Global Ratings»

халқаро рейтинг агентлиги

### «ИПОТЕКА-БАНК»

акциядорлик тижорат ипотека банкининг

халқаро рейтингларини тасдиқлади.

### Рейтинглар истиқболи «БАРҚАРОР».

Хизматлар лицензияланган.

#### «КРАНЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКА» ЗАВОДИ

#### KRANTAS

- Юк кўтариш қуввати 16 тоннадан 50 тоннагача бўлган автокранлар;
- Юк кўтариш қуввати 3 тоннадан 10 тоннагача бўлган кран-манипуляторлар;
- Балансликка кўтариш қуввати 11 метрдан 31 метргача бўлган автокўтаргичлар;
- Фургон кузовли юк автомобиллари 3 тоннадан 9 тоннагача;
- Ҳажми 4 дан 16 м<sup>3</sup> гача бўлган ёнилги ташувчи автоцистерналар ва автоёнилги куйгичлар;
- Ҳажми 4 дан 12 м<sup>3</sup> гача бўлган сув ташувчи автоцистерналар;
- Вагон-уйчалар;
- 4x4 — 22 ўрилли, 6x6 — 26 ўрилли вахтали автобуслар;
- Ҳажми 4 дан 8 м<sup>3</sup> гача бўлган сугорувчи-ювувчи автоцистерналар (машиналар);
- Ҳажми 6 дан 10 м<sup>3</sup> гача бўлган кислота ташувчи автоцистерналар;
- Цистернаси ҳажми 6 дан 8 м<sup>3</sup> гача бўлган автогудронаторлар;
- Яримтиркамалар (бортли, тентли-пардали, ёнилги ташувчи, нефть ташувчи).



Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар к., 1. Тел./факс: (+99871) 269-15-33, 262-97-78, 262-23-61. Моб.: (+99890) 315-99-17, 187-52-05, 188-15-33. E-mail: cst2008@mail.ru, krantas@inbox.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

#### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кепаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кепаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахриратта келган қўғаймалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — М. Холматова. Мусалхих — С. Исломов.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА кўчаси — 07.40 Тошпирилли — 09.15 2 3 4 5 6